

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд вилояти статистика
бошқармаси бошлиғи

Ш.Абдиев
2023 йил __ июль

Вилоят статистика бошқармасининг Кенгаш йиғилиши
БАЁНИ № 3

2023 йил 26 июль

Самарқанд ш.

Раислик қилувчи:

-Ш.А.Абдиев – Вилоят статистика бошқармаси
бошлиғи

Қатнашдилар:

-Бошқарма бошлигининг ўринбосарлари, бўлим
бошлиқлари, туман (шаҳар)лар статистика
бўлимлари бошлиқлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ

1. Кириш сўзи.

2. Статистика бошқармаси тизимида 2023 йилнинг ўтган 2-ярим
йилида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар
тўғрисида.

3. Бошқарма ва унинг бўлимлари томонидан ўтган 2-ярим йилликда
эришилган ижобий натижалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар
тўғрисида.

4. Кенгаш иш режасига мувофиқ, йиғилишда кўриб чиқилиши лозим
бўлган бошқарма фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида.

(Абдиев, Сидиков, Салимов, Давронов, тармоқ ва туман-шаҳар статистика
бўлими бошлиқлари, Абдиев)

Кенгаш йиғилишини бошқарма бошлиғи Ш.Абдиев очиб,
иштирокчиларни кун тартиби билан таништирди.

Шунингдек, “2023 йил учун Давлат статистика ишлари дастури”
доирасида бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2023 йилда
амалга оширилган ишлар, пировардида ишлаб чиқилган таҳлилий-статистик
маълумотларни келтириб ўтди.

Жумладан, дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилнинг январь-июнъ
ойларида Самарқанд вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми жорий
назару қўйтилганда 2023 йилнинг январь-июнъ ойларида 2022 йилнинг январь-июнъ ойларида

нархларда 30 304,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 % га ўсиб, аҳоли жон бошига 7 322,3 минг сўмни ташкил этди.

ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 31,5 % ни, саноат тармоғи 16,6 % ни, қурилиш 6,4 % ни ва хизматлар соҳаси 45,5 % ни ташкил қилди.

Самарқанд вилоятининг Республика ялпи ички маҳсулотининг шаклланишида қўшган ҳиссаси 6,5 % га этди.

ЯҲМ дефлятор индекси 2022 йилнинг январь-июнидаги нархларига нисбатан 112,8 % ни ташкил қилди.

Вилоятнинг саноат корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 14 652,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми индекси 106,4 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 16 556,9 млрд. сўмни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 %) ни, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 12 251,9 млрд. сўмни (118,3 %), бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 4 422,1 млрд. сўмни (108,2 %), кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 13 215,7 млрд. сўмни (110,4 %), чакана савдо товар айланмаси ҳажми 12 198,8 млрд. сўмни (104,7 %) ни, ташқи савдо айланмаси 1 163,4 млн. АҚШ долларини (жумладан экспорт – 286,9 млн. АҚШ долларини ва импорт – 876,5 млн. АҚШ долларини) ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоят бўйича доимий аҳоли сони 4 159,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 40,9 минг кишига ёки 0,9 % га кўпайди.

Рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2023 йилнинг 1 июль ҳолатига 54 415 тани (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиб, улардан 37 268 таси ёки 68,5 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. 2023 йилнинг январь-июнь ойлари давомида 4 438 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини акс эттирувчи, долзарб масалаларда 1 780 та таҳлилий маълумотлар, 58 та ойлик ва чораклик пресс-релизлар бошқарманинг расмий веб-сайтида эълон қилинганлигини ҳамда маълумотлар инфографика, диаграмма ва видеороликлар кўринишида Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси орқали эфирга узатилганлиги ва маҳаллий нашрларда чоп этилганлигини айтиб ўтди.

Самарқанд вилояти статистика бошқармаси тизимида, 2023 йилнинг апрель-июнь ойларида 90 та буйруқ, 550 та чиқиш хатлари, 57 та йиғилиш баённомаси ва бошқа ҳужжатлар давлат тили талабларига мос равища тайёрланган ҳамда ижрога қаратилган. Деворий ёзувлар, плакатлар ундаги

маълумотлар ҳамда бошқарманинг муҳр ва штамплари давлат тили талаблари асосида ўзгартирилди. Маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишлари доирасида вилоятнинг барча ҳудудларида 103 марта семинар ва учрашувлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 1 204 марта чиқишлар қилиниб, 6 362 та буклет ва қўлланмалар тарқатилди. Натижада, мазкур тадбирлар орқали 1 182 та ҳолатда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олди олинди.

“Тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастури”га асосан, 10 та ўкув курсларида 51 нафар ходимлар малакасини ошириди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари ҳамда топшириклари билан тизим олдига белгилаб берилган вазифалар ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасида статистика идоралари раҳбарларининг шахсий масъулияти эътироф этилиб, йиғилиш кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Бошқарма тизими фаолиятини тубдан такомиллаштириш, давлат статистика ишларини бажариш юзасидан белгиланган вазифаларни 2023 йилнинг 2-ярим йиллик яқунлари ижроси бўйича бошқарма тизими фаолияти натижаларининг танқидий таҳлилини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

2023 йил учун тасдиқланган режа-жадвалига мувофиқ, 2023 йилнинг 2-чорагида агентликнинг қуи тизим органларида ўтказилган комплекс ўрганишлар натижаларига тўхталиб;

- фаолиятидаги ижсобий ютуқлари ва самарали иш ташкил этганликлари учун Кўшработ тумани статистика бўлими бошлиғи (Ш. Тагаев), Нуробод тумани статистика бўлими бошлиғи (М. Тураев), Самарқанд тумани статистика бўлими бошлиғи (Ф. Джабборов);

аниқланган хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари (Т. Сидиков), Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими бошлиғи (Ж. Таниев), Самарқанд шаҳар статистика бўлими бошлиғи (Ж. Улашев), Пахтачи тумани статистика бўлими бошлиғи (С. Туробов), Каттақўрғон тумани статистика бўлими бош мутахассиси (Д. Сатторов), Каттақўрғон тумани статистика бўлими етакчи мутахассиси (Н. Эшқувватов)ларга “Ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг бошқарма тармоқ бўлимларига сўз берилди:

1, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида. (Ж. Каримов)

Мамлакатимизда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири тўғрисида аҳолини кенгроқ хабардор қилиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, газета ва журналларда З та

мақола чоп этилди, турли расмий веб-сайтларда 7 та тезис ва мақола жойлаштирилди, умумтаълим мактабларида 2 та ва олий таълим муассасаларида 2 та давра сұхбатлари ва семинарлар ташкил этилди.

Аниқланган жами 220,9 мингта рақамсиз уйлардан 70,5 мингтаси (32,0 %) жойига чиқиб ўрганилди. Вилоятда ўртача күрсаткичидан паст натижа күрсатған худудлар: Самарқанд шахри, Иштихон тумани, Каттакўргон шахри, Пастдарғом тумани, Пайариқ тумани, Тойлоқ тумани ва Булунғур тумани.

Ном белгиларининг мавжудлиги бўйича. Вилоятнинг ўртача күрсаткичидан паст натижа күрсатған худудлар: Пахтачи тумани, Самарқанд шахри, Иштихон тумани, Нарпай тумани, Самарқанд тумани, Булунғур тумани, Ургут тумани ҳиссастига тўғри келишини таъкидлаб ўтди.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ““ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5132-сон қарори, ҳамда 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисида. (Ф.Саттаров)

2023 йил 2-ярим йиллиги давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг сони 101 тани ташкил этиб уларнинг 17 таси (16,8 %) жисмоний ва 84 таси (83,2 %) юридик шахсларнинг ҳиссасига тўғри келиб, уларга тегишли тартибда ёзма жавоб хатлари юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майда ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ бошқарма ва унинг худудий бўлимларида “ijro.gov.uz” тизимидан самарали фойдаланиш кўрсаткичилари шакллантирилган бўлсада ўтказилган ўрганишлар натижасида Каттақўргон, Самарқанд ҳамда Нуробод туманлари “ijro.gov.uz” тизимидан тўлик фойдаланилмаётганлиги аниқланди.

Хизматлар соҳаси масалаларида (Хазратқулов).

Худудий статистика бўлимларида 2023 йилнинг 25-31 май ва 1-2 июнь кунлари, бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар бўйича сўровнома чораклик 4-xizmat (jsh) ҳамда шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолияти тўғрисида сўровнома чораклик 4-tr (yatt) бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахсларнинг танланма кузатувлари ўтказилган бўлиб, ушбу кузатувларини сифатли ўтказилишини жойига чиқсан ҳолда ўрганиш жараёнида Ургут тумани статистика бўлими етакчи мутахассиси (Ф. Даминов) 4-xizmat (jsh) ва 4-tr (yatt) кузатувлари таҳлил қилинганда 2022 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги учун режа графиги ҳамда якуний натижаларни ўз вақтида чиқариб қўйилмаганлиги аниқланди.

Йиғилиш сўнгидаги бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Т. Сидиков сўзга чиқиб,

2023 йилнинг ўтган 1-ярим йиллиги давомида **“E-ma’muriy ish”** ягона ахборот тизимиға Тойлоқ туманидан 2 та Иштихон туманидан 1 та иш

киритилган бўлса Пайариқ туман статистика бўлими томонидан умуман маъмурий ишлар киритилмаганлигини таъкидлаб ўтди

-маъмурий чораларни қўллаш учун шахсан худудий статистика бўлимлари бошлиқлари жавобгарлигини белгилаб қўйиш;

-маъмурий ишлар ҳажмининг катталигини инобатга олган ҳолда худудий статистика бўлимлари томонидан маъмурий иш хужжатларини **"E-ma'muriy ish"** ягона ахборот тизими ёрдамида юритиш ва уларни субъектларга **hybrid** почта хизматларидан фойдаланган ҳолда етказиш;

-кўрсатиладиган консалтинг хизматлари бўйича ҳисбот топширувчи субъектлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш ва кейинги чоракларда хизматлар ҳажмини ошириш;

-статистик ҳисботларни қабул қилиш даврида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш чораларини кучайтириш, таклифини киритди.

Кенгаш йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг 2023 йил 26 июлдаги 10-сонли Ҳайъат йиғилиши баёни тизимда раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма бошлиғи Ш.Абдиевнинг бошқарма тизимини тақомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг хужжатлари ҳамда топшириқларида белгилаб берилган вазифаларнинг давлат статистика органларида 2023 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар муҳокамаси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

3. Бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, бошқарма ва шаҳар-туманлар бўйим бошлиқлари зиммаларига:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Хукумат қарор ва фармойишлари билан давлат статистика соҳаси олдига белгилаб берилган, шунингдек, агентликнинг идоравий хужжатлари билан ижросига бевосита ўзлари масъул этиб белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, пухта ва самарали ижросини таъминлаш;

-ўзлари мутасадди бўлган йўналишлар бўйича “2023 йил учун Статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да белгиланган статистика ишларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, бунда юзага келган камчиликлар ва муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш чораларини кўриш;

-таҳлилий статистика ишлари сифатини янада кучайтирган ҳолда, ахборот-таҳлилий маълумотлар мазмунини кенгайтирилиши ҳамда уларни доимий равишда бошқарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойлаштириш;

-барча йўналишлар бўйича жойларда ўтказиладиган танланма кузатувларни тўлиқ ва сифатли ташкил этилиши юзасидан назоратни янада

кучайтириш ҳамда кузатув натижалари бўйича маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва сифатлилиги юзасидан таҳлилларни ҳар томонлама пухта ташкил этиш;

-бажарилишига масъул бўлган барча вазифалар бўйича худудий статистика бўлимлари фаолияти мониторинги ва назорати борасидаги ишларни янада кучайтириш ҳамда вазифаларни жойларда самарали ижро этилиши юзасидан уларга доимий амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклансин.

4. Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими (Давронов):

-2023 йил учун Статистика дастурига киритилган статистика ишларини белгиланган муддатларда, тўлик ва сифатли бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин;

-худудий статистика органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар билан соҳага оид йўл қўйилиши мумкин бўлган хукуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, уларнинг хукуқий саводхонлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни кенг кўламда ва самарали ташкил этилишини мувофиқлаштириб борсин;

-бошқарма ҳамда худудий статистика бўлимлари бошликлари билан биргаликда, аниқланган хукуқбузарликлар, хусусан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этиш борасида йўл қўйилган хукуқбузарликлар бўйича маъмурий ишларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ юритилиши, тўғри расмийлаштирилиши ва ўз муддатида ижро этилишини таъминласин, бу борада назоратни янада кучайтирсин;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими (Саттаров) билан биргаликда

-бошқарманинг 2023 йилнинг 2-ярмида худудий статистика органларида статистика фаолиятини ташкил этиш масалаларини комплекс ва мақсадли ўрганишлар бўйича режа-жадвал асосида назоратга олинган хужжатлар билан ишлаш, уларни белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича шаҳар ва туманларда ўрганишларни ташкил этсинлар;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий статистика тизимини янада тақомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори ва “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мунтазам мониторинг олиб борсин ва бажарилган ишлар натижаси бўйича раҳбариятга ахборот киритиб борсинлар.

5. Статистик ҳисоботларни тақдим этиш интизоми ва қамровни таъминлаш мақсадида:

-қўмитанинг 2022 йил 1 мартдаги 12-сон буйруғи ижросини тўлик таъминлаш мақсадида бошқармага малакали юрисконсульт мутахассис кадр билан тўлдириш чораси кўрилсин;

бошқарма бошлигининг ўринbosарлари ўзларига бириктирилган туман (шаҳар) статистика бўлимларини юридик бўлим (вакант), Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими

(З.Давронов) билан биргаликда маъмурий ишларни ўз муддатида расмийлаштирилишини ҳамда “E-ma'muriy ish” ягона ахборот тизимиға киритилиши назоратга олинсин;

-махсус жамғармага келиб тушган маблағларни тизим органлари бўйича ўрнатилган тартибда тақсимлашга эътибор қаратилсин.

6. Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйими (Ж. Каримов) билан худудий статистика бўлимлари бошлиқларига:

Рақамланмаган уй ва хонадонларни рақамлаш ҳамда номи ўзгарган кўчаларга янги ном белгиларини ўрнатиш ишларини якунига етказиш бўйича худудий статистика бошқармаларига қўйидаги устувор вазифалар юклатилади:

Биринчидан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан рақамланмаган уй ва хонадонларни тўлиқ рақамлаш ҳамда номи ўзгарган кўчаларга янги ном белгиларини ўрнатиш ишларини якунига етказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш;

- иккинчидан, ўрганиш давомида аниқланган рақамланмаган уйлар ва хонадонларни тўлиқ рақамлаш ҳамда номи ўзгарган кўчаларга янги ном белгиларини ўрнатиш ишларини маҳаллаларга танланма равища режа-жадвал асосида жойига чиқсан ҳолда қайта ўрганиб боришни давом эттириш;

- учинчидан, худудида янги қурилиш ёки бузилиш ишлари амалга оширилаётган маҳаллалар рўйхатини доимий равища шакллантириб бориш;

- тўртингидан, расмий веб-сайтларда ҳар ойда аҳолини рўйхатга олишга оид мақолалар ва тезислар жойлаштириб бориш;

- бешинчидан, маҳаллий газета ва журналларда ҳар чорақда бир марта аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи мақолалар чоп этилишини таъминлаш;

- олтинчидан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳамда умумтаълим мактабларида ҳар чорақда бир марта аҳолини рўйхатга олиш масалаларига бағишиланган семинар ва давра сұхбатларини ташкил этиш;

- туман (шаҳар) статистика бўлимларида тўрт турдаги йиғма жилдларнинг (аҳолини рўйхатга олишга оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, аҳоли пунктларининг хариталарини янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аҳоли сони кўрсатилган ҳолда уй ва хонадонлар рўйхатини янгилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар) мунтазам равища янгиланиб борилишини таъминласин;

- аҳолини рўйхатга олишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бориш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари ва расмий сайт ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенгрөқ фойдаланган ҳолда, янада жадаллаштиурсин;

- аҳолини рўйхатга олишнинг расмий веб-сайтини (aholi.stat.uz), бойитиб бориш учун зарур ахборот ва маълумотларни доимий равища Статистика агентлигига тақдим этиб борсин.

7. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими (Таниев) қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий ахборот воситалари ва расмий сайт ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенгрок фойдаланган ҳолда, янада жадаллаштиурсин.

8. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими (Саттаров):

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида қонунда белгиланган муддатларга қатъий амал қилинишига, назорат ва таҳлил ишларини кучайтиришга ҳамда ходимларнинг масъулиятини янада оширишга эътиборни қаратсин;

- назоратга олинган ҳужжатлар билан ишлаш, уларни белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларда шахсий назоратни янада кучайтиурсин.

- туман шаҳар статистика бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масалалари бўйича комплекс ўрганишларни режа асосида, юқори савияда ўтказилишини ташкил этиб, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган масъул раҳбар ва ходимларга нисбатан тегишли интизомий ва бошқа таъсир чораларини кўриб борсин;

- келиб тушган ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми мониторинги бўйича тартибда белгиланган 1 ва 2-жадвалларни тўлиқ шакллантириш ҳамда пухта таҳлил этган ҳолда Статистика агентлигига белгиланган муддатда тақдим этилишида шахсий жавобгарлйкни янада оширсин;

9. Дастурий-техник таъминот ва маълумотларни сақлаш маркази (Садиров) тизимдаги компьютер ва бошқа қурилмалардан хизмат доирасидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, тегишли ходимларга ўрнатилган тартибда чора кўрилиши юзасидан огоҳлантирилсин.

Марказ томонидан қуйидагилар доимий равишда ташкил этилсин ва назоратга олинсин:

Бошқарма ва туман статистика бўлимларида фойдаланилаётган VPN ҳамда IP телефония тармоғини доимий ишчи ҳолатида бўлишини;

- ходимлар томонидан Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш ва ахборот хавфсизлиги талабларини бажариш масалаларини шахсан назоратга олишни;

- интернет тармоғидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш, шахсий ёзишмалар учун эса миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тушунтириш ишларини ташкил қилишни;

- иш жойидаги Интернет тармоғидан шахсий мақсадларда фойдаланишни қатъий ман қилиш ва ҳар бир ходимнинг Интернет тармоғидаги фаолиятини доимий мониторингини олиб боришни;

- хизматга доир маълумотларни хорижий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда алмашишини ман қилиш, миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тушунтириш ишларини ташкил қилиш ҳамда ушбу мақсадда Интернет тармоғига чекловлар ўрнатилишини ташкил қилишни;

- антивируслар базаларини ўз вақтида ва доимий равища янгилаб борилишини;

- жорий йилнинг 10 августига қадар Дастурий техник таъминот ва маълумотлар сақлаш маркази ҳодимларининг 2-ярим йиллик учун иш режаларини тасдиқлатсин ва Статистика агентлигининг тегишли бошқармасига ўз вақтида тақдим этилишини таъминласин;

10. Кадрлар бўлими (Мухамадиева)

- кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига малака оширишга юборилаётган ҳодимларни ўз вақтида ётиб бориши, дарс жараёнларида тўлиқ ва фаол иштирок этиши устидан алоҳида назорат ўрнатсан ва ўқиш якуни бўйича эгаллаган билим ва кўнгилмалари даражасини ўрганиб борсин;

- малака оширишга юборилаётган ҳодимлар якуний тест жараёнидан етарлича балл ололмагандан лавозимларини бир поғонага туширилиши юзасидан чоралар кўрилиши бўйича огохлантирилсин.

- вакант бўлиб турган бош юрисконсульт ўринини тўлдириш чорасини кўрсин.

11. Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлим бошликлари ҳамда Манавият-маърифат ишлари самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича жавобгар (Ф.Эшонкулов).

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармони ва 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор мажлисида белгиланган вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш чораларини кўрсин;

- тизим фаолиятида расмий ҳужжатларни юритишда давлат тили талаб-меъёрларига мувофиқликни камчиликларсиз таъминлаш, маънавий-маърифий тарбибот ишларини ўз вақтида бажариш бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари раҳбарлари ва масъул ҳодимларининг асосий вазифаси эканлиги ва бу борада фаолиятда сусткашликка йўл қўйган мутасаддиларга қатъий жазо чоралари кўрилиши кўрсатиб ўтилсин.

12. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими (Норматова)

Молиявий ҳисоботларни, моддий төхник базалар, дебитор ва кредитор қарздорликлар, шунингдек, дастурлар, режалар, шу жумладан, ҳодимларининг иш ҳаққи тўловларини ўз вақтида ва белгиланган муддатларда амалга ошириш тарбиботлари ижросини таъминланишини алоҳида назоратга олсин.

13. Фаолияти давомида:
Йўл қўйган хато ва камчиликлари учун:

Ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси масалаларида 2-чорак учун савдо кузатувларини сифат жиҳатдан паст даражада ташкил этилгани Нарпай тумани статистика бўлими етакчи мутахассиси **Д. Кўчқоров**, Иштихон тумани етакчи мутахассиси **Б. Худойқуловга** нисбатан “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилсин.

Ургут тумани статистика бўлими етакчи мутахассиси **Ф. Даминов** савдо статистик кузатувларини ўтказиш жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйиб келаётгани ҳамда ўз функционал вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиб келаётганликлари учун **иш хаққининг 30 % и миқдорида** жарима интизомий чораси қўлланилганини маълумот учун қабул қилинсин.

Еришигани жойништиришни учун:

2023 йилнинг 2-чораги якунлари бўйича пресс-релиз маълумотларини тайёрлашда хато ва камчиликларга йўл қўймаганлиги ва ўз вақтида тайёрлаганлиги учун Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахбороттахлилий ишлар бўлими (З. Давронов)

давлат тилида иш юритиш ва маънавият йўл харитаси бандларини ўз вақтида тўлиқ асоси билан ва намунали олиб борганлиги учун давлат тили бўйича масъул (Ф. Эшонкулов) рағбатлантирилсин.

14. Бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 19 октябрдаги 855-сон қарори асосида статистика идоралари фаолиятини баҳолаш ва рейтингини юритиш меъзонлари ва худудий статистика органлари фаолиятини комплекс ўрганиш саволномасини қайта кўриб чиқиб тақомиллаштириш юзасидан аниқ, асосли таклифларини Агентликка тақдим этиш мақсадида раҳбариятга киритилсин;

15. Бошқарманинг барча тармоқ ҳамда худудий статистика бўлимлари бошлиқлари:

Тадбиркорлик субъектлари (тижорат корхоналари) томонидан статистика ҳисоботлари маълумотларини бузиб кўрсатиш, ҳисоботларни тақдим этмаган ёки муддатидан кеч тақдим этган холларда тадбиркорлик субъектларига hybrid.pochta.uz орқали хат билан 7 иш куни муддатида кўрсатма хати юбориши (*Кўрсатма хатида белгиланган муддатида қайтадан ҳисоботлар тўғри тақдим этилганда жараён якунланади*).

Кўрсатма хатига асосан 30 кун ичида ҳисоботни тақдим этмаган тадбиркорлик субъектларига ва давлат статистика ҳисоботлари маълумотларини бузиб кўрсатган, ҳисоботларни тақдим этмаган ёки муддатидан кеч тақдим этган нотижорат корхоналарга 5 иш кунида статистика органига келиши ва маъмурий хуқуқбузарлик баённомасини расмийлаштириш учун расмий чақирув хати юбориш.

Чақирув хатига асосан 5 кун ичида тадбиркорлик субъектлари ҳамда нотижорат корхоналари раҳбарлари билан боғланиб статистика органларига келиши огохлантирилиб, уларнинг масъул шахсидан тушунтириш хати ва фуқаронинг шахсини тасдиқловчи маълумот (миллий паспорт тасдиқловчи

хужжати) нусхасини олишлари бошқармаси юрисконсульты билан биргаликда.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган фуқарога Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 294-моддасида назарда тутилган хуқуқ ва бурчлари билан таништириш, тушунтириш хати ёзишдан бош тортган ёки тушунтириш хати ёзадиган шахс бўлмаган тақдирда жавобгар келмаганлиги юзасидан далолатнома тузиш вазифалари юклансин.

16. Ҳар чорак якунлари бўйича ўтказиладиган кенгаш йигилишларида, маъмурий жазо чораларини қуллаш ва “E-muruy ish” ягона ахборот тизимига киритилишида ҳаракатсизлик қилиб сусткашликка йўл қўйган туман, шаҳар статистика бўлимлари бошлиқларининг фаолияти муҳокама қилиниб меҳнат шартномасини бекор қилишгacha бўлган чоралар қўлланилиши белгилаб қўйилсин

17. Бошқарманинг статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахбороттаҳлилий ишлар бўлими (Давронов) ҳамда худудий статистика бўлимлари бошлиқларига

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021-йил 29 сентябрдаги 59ҚҚ/11-60-21-сонли қўшма қарорининг 3-иловаси 194-бетида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида (Давлат статистик хисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш) назарда тутилган хукуқбузарлик юзасидан талаб этилган хужжатларни расмийлаштириб тегишлилиги бўйича суд органларига “E-muruy ish” тизими орқали ва (ёки) раҳбариятга тақдим этиш вазифалари юклансин.

18. Бошқарма юрисконсульты (вакант) ҳамда худудий статистика бўлимлари бошлиқларига

“E-muruy ish” тизими орқали киритилган маъмурий ишлар Судлар томонидан қайтарилиганда, Судялар билан боғланиб ва хужжатлардаги камчиликларни бартараф этиб, қайта судларга юборилишини таъминлаш юклансин.

19. Статистика агентлиги томонидан худудий статистика органларининг фаолияти натижадорлиги бўйича ўтказилган баҳолаш бўйича бошқарманинг барча бўлимлари томонидан баҳолашда қўлланиладиган тегишли индикаторлар бўйича белгиланган параметрларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик борасида зарур чоралари кўрилсин.

20. Мазкур йигилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Кенгаш масъул котиби

З.Давронов